



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI BOG‘OT  
TUMANI HOKIMINING  
QARORI**

**Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy**

2021 -yil 29 - Iyvar

1304 -son

**Bog‘ot shaharchasi**

Фуқаро Бобожонова Ойпошшани вояга етмаган неваралари 2010 йил 2 апрелда туғилган Отамуродова Азиза Шерзод қизи ва 2012 йил 1 августда туғилган Отамуродов Асилбек Шерзод ўғлига нисбатан васий этиб тайинлаш тўғрисида.

Ўзбекистон Республикаси “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги Қонунининг 10, 42-моддалари ва Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 22 сентябрдаги 269-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги низомнинг 9, 63, 66 ва 67-бандларига мувофиқ

**Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :**

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги “Васийлик ва ҳомийлик” комиссиясининг 2021 йил 22 январдаги хулосаси инобатга олинсин.

2. Боғот тумани “Ғалаба” маҳалласида яшовчи фуқаро 1959 йил 1 январда туғилган Бобожонова Ойпошшани вояга етмаган неваралари 2010 йил 2 апрелда туғилган Отамуродова Азиза Шерзод қизи ва 2012 йил 1 августда туғилган Отамуродов Асилбек Шерзод ўғлига нисбатан васий этиб тайинлансин.

3. Туман халқ таълими бўлими мудирини Т.Мирзаевга:

- Мазкур қарорни бир кун муддатда аризагўйга (тайинланган васийга) юбориш таъминлансин.

- Васий ва ҳомий ҳуқуқларининг амалга оширилишини ҳамда мажбуриятларининг бажарилиши устидан назорат ўрнатсин.

- Васийликка олинаётган шахс ҳақидаги тўлиқ маълумотлар белгиланган муддатда давлат реестрига киритиш учун туман ҳокимлигига тақдим этилсин.

4. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокими ўринбосари Р.Шарипов зиммасига юклатилсин.

**Боғот тумани ҳокими  
вазифасини бажарувчи**

**Ш.Яхшибаев**